

Давлат ветеринария бош
бошқармасининг 2017 йил
18 майдаги 25-4-сонли
буйруғига 3-илова

Эълон қилиниши мумкин бўлмаган ахборотлар рўйхати

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ қуйидаги маълумотлар ахборотдан фойдаланувчиларга тақдим этилмайди:

- Давлат ветеринария бош бошқармасининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига кирмайдиган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишларининг алоҳида бандларида белгиланган маълумотлар;

- махфий ва хизмат доирасида фойдаланиш учун (ХДФУ) белгиси қўйилган ҳужжатларда келтирилган маълумотлар;

- ички ёзишмалар;

- Давлат ветеринария бош бошқармаси марказий аппарати ва тизим ташкилотлари раҳбар ва мутахассислари, ишчи-хизматчиларининг шахсига оид маълумотлар;

- тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар;

- миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, суд, ички ишлар ва бошқа назорат қилувчи органлар ахборотномаларида келтирилган бошқа маълумотлар.